



THEORETICAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE INVESTIGATIVE JUDGE IN THE CRIMINAL PROCEDURAL LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Bakhtiyor Ibrokhimov

independent researcher

*Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: investigating judge, judicial control, criminal procedure reforms, human rights, procedural guarantees, pre-trial proceedings, adversarial principle, fair trial, preventive measures, judicial independence.

Received: 10.04.25

Accepted: 12.04.25

Published: 14.04.25

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of the introduction of the investigating judge institution within the framework of criminal procedure reforms in the Republic of Uzbekistan, its legal foundations, necessity, and practical significance. The institution of the investigating judge is viewed as a key mechanism for protecting citizens' rights and freedoms, as well as for ensuring the principles of adversarial proceedings and equality of parties in criminal cases. The article examines both national and international practices, and offers scientific proposals for strengthening this institution in Uzbek legislation. It also presents scholarly opinions regarding the implementation of the investigating judge institution, evaluated from an academic perspective. The discussions emphasize the crucial role of the investigating judge in ensuring human rights protection, enhancing judicial oversight, and assessing the legitimacy of criminal prosecution.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТЕРГОВ СУДЬЯСИ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бахтиёр Иброҳимов

мустақил изланувчи

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тергов судьяси, суд назорати, жиноят-процессуал ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари, процессуал кафолатлар, судгача иш юритиш, тортишувчанлик, адолатли судлов, эхтиёт чоралари, суд ҳокимияти мустақиллиги.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчилигини ислоҳ қилиш доирасида тергов судьяси институтининг жорий этилиши, унинг ҳуқуқий асослари, зарурлиги ва амалий аҳамияти кенг таҳлил этилган. Тергов судьяси институти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида кўриб чиқилган бўлиб, унинг жиноят ишлари юритилишида тортишувчанлик ва тенглик тамойилларини таъминлашдаги роли ёритилган. Мақолада миллий ва халқаро тажрибалар таҳлил қилиниб, Ўзбекистондаги қонунчиликда мазкур институтни мустаҳкамлаш борасидаги илмий ечим ва таклифлар берилган. Шунингдек, тергов судьяси институтини жорий қилишга оид турли олимлар фикрлар келтирилиб, улар илмий асосда баҳоланган. Муҳокамалар асосида, тергов судьяси инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, суд назоратини мустаҳкамлаш, жиноий таъқибнинг асослиигини баҳолашда муҳим рол ўйнаши таъкидланган.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СЛЕДСТВЕННОГО СУДЬИ В УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Бахтиёр Иброҳимов
независимый исследователь
Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: следственный судья, судебный контроль, реформы уголовно-процессуального законодательства, права человека, процессуальные гарантии, досудебное производство, состязательность, справедливое правосудие, меры пресечения, независимость судебной власти.

Аннотация: В данной статье всесторонне проанализировано введение института следственного судьи в рамках реформирования уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, его правовые основания, необходимость и практическая значимость. Институт следственного судьи рассматривается как важный механизм защиты прав и свобод граждан, а также как инструмент обеспечения принципов состязательности и равноправия сторон в уголовном процессе. В статье проанализированы как национальный, так

и международный опыт, даны научные предложения по закреплению данного института в законодательстве Узбекистана. Также представлены различные научные мнения по поводу внедрения института следственного судьи, которые оценены с научной точки зрения. На основе проведённых обсуждений подчёркивается значимая роль следственного судьи в обеспечении защиты прав человека, укреплении судебного контроля и оценке обоснованности уголовного преследования.

Ҳар қандай ҳуқуқий давлат учун жиноят процессида адолатли судловни таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича терговнинг шаффоғлигини таъминлаш, шунингдек, асоссиз равища қонунбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида тергов судьяси институтини жорий этиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Тергов судьяси институтини жорий этилиши нафақат жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларининг амалиётда самарали қўлланишини таъминлайди, балки қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда суд ва тергов органлари ўртасидаги муносабатларда адолатлиликни қарор топтириш учун ҳам мухимдир. Бу институт инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар талабларига жавоб беради ва тергов жараёнида шахсий эркинлик, даҳлизлиқ каби конституциявий қоидаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайди.

Шунингдек, тергов судьясининг жорий этилганлиги жиноят ишларида айлов ва ҳимоя ўртасида мувозанатни саклаш, тергов органлари фаолиятининг қонунийлигига назоратни кучайтириш ва терговда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш имконияти яратилди. Бундай янгилик мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва адолатни қарор топтиришга қаратилган муҳим қадам бўлиб хизмат қилди.

2016 йил Ўзбекистон Республикаси янги даврга қадам қўйди, сайланган президент ислоҳоти натижасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Мамлакатнинг ривожланиши ҳар доим жиноят ва жиноят процессуал қонунчиликнинг ривожланиши учун янги истиқболларни яратган ва яратмоқда. Дарҳақиқат, жиноий одил судловнинг муккамалроқ моделини излаш бугунги кунгача давом этмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йилдаги ПҚ-3723-сон Қарорига биноан, асосий вазифалар каторида жиноят ва жиноят-процессуал ҳукуки соҳасидаги илғор халқаро тажрибани, умумэътироф этилган норма ва стандартларни, жумладан жойларга чикқан ҳолда ўрганиш белгилаб олинди. Шунингдек, «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг 15-мақсадида «Хабеас корпус» институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш, тезкор-қидирав ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш ва суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш масалалари ўрин олган.

Бундан ташқари, «Янги Ўзбекистон — янги суд» тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

Илгари сурйилган Стратегия Ўзбекистон Республикасида суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, суд ҳокимияти чинакам мустақиллигини таъминлаш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш, инсон ва фуқароларнинг ҳукуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев, суд мажлисида тарафларга шахснинг айбли ёки айбсиз эканлигини исботлаш, далилларни тақдим қилиш учун *тенг имкониятларни яратиш* бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш масалаларини илгари сурган.

Ана шундай ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тезкор-қидирав ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2024 йил 10 июндаги ПФ-89-сон Фармони қабул қилинди.

Фармонда, жиноят ишини судга қадар босқичда инсон ва фуқароларни ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида исботлаш субъектларининг процессуал қарорларга санкцияни бериш тергов судьяси томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи тартибини жорий этиш белгиланиб олинган.

Судьянинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 29-моддасида кўрсатилган айрим санкция ва мажбурлов чораларни қўллашга оид ваколатлари тергов судьясига ўтказилиши назарда тутилган. Буларга: қамоқقا олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ

илтимоснома; қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлик, илтимоснома; паспортнинг (харакатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома; мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги илтимоснома; почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимоснома; тинтуб үтказиш ҳақидаги илтимоснома; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақидаги илтимоснома; мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимоснома; айланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимоснома; айланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси; ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатга қадар узайтириш тўғрисидаги илтимоснома; прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномаси.

Д.Давлетов, тергов судьяси институтини жорий қилиш орқали, жиноят ишларини кўриш жараёнида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, судланувчиларнинг барча важларини текшириш ва тарафлар томонидан келтирилган илтимосномаларни батафсил кўриб чиқишига ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қиласди.

Ҳақиқатдан ҳам, сўнгги пайтларда ЖПКга киритилган бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар жиноят процессуал ҳуқуқининг асосий институтларига таъсир қилди ва асосий ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунига сезиларли таъсир кўрсатди. Жиноят процессуал қонунчилигини ислоҳ қилишда судгача бўлган иш юритишни тартибга солувчи қоидаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жиноят процессининг ҳозирги тартиби, тузилиши, ҳали ҳам ўзининг асосий белгиларида роман-герман ҳуқуқ оиласига мансубдир. Бироқ, жиноят процессининг ҳар қандай миллий шакли турли мамлакатлар моделлари элементларининг аралашмасидан ташкил топгандир, чунки жиноят процесси муайян тарихий, иқтисодий, геосиёсий ва бошқа шароитларда ривожланади ва мавжуддир.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга үтказиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 августдаги ПФ-3644-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон орқали, прокурорнинг айрим назорат функцияларини қайта тақсимлаш орқали суд ҳокимияти ваколатлари кенгайтирилди, яъни терговга қадар текширувнинг, дастлабки тергов босқичида суд назоратини билан алмаштирилиши назарда

тутилди. Шундай қилиб, терговга қадар текширув, дастлабки тергов органлари фаолияти устидан прокурорнинг куйидаги ваколатлари судга ўтказилди: жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари (2008 йил); судга қадар иш юритиш босқичида айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралари факат судъянинг санкцияси асосида амалга оширилиши тартиби (2012 йил); эҳтиёт чораларининг янги тури, яъни уй қамоғи жорий қилинди (2014 йил); почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экспертиза қилишга санкция бериш бўйича ваколатлар судларга ўтказилди (2017 йил); телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш (2020 йил).

Шуни тан олиш керакки, ушбу қонунчиликдаги янгилик прокурор томонидан қамоқقا олиш тўғрисидаги санкция билан солиштирилганда сезиларли муваффақиятга эришишга олиб келди, чунки инсон хуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай жараён имкон қадар очик, шаффоф, тенглик тамойилларига риоя қилинган ҳолда, холис орган олдида, тортишувчанлик жараёнида ўтказилиши керак.

Эҳтиёт чораларини қўллашни судларга ўтказишнинг пировард мақсади, айнан шахснинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги каби конституциявий хуқуқларни чеклаш масаласини ҳал этишда холислик ва беғаразликни таъминлаш ҳисобланган.

Дарҳақиқат, сўнги йиллардаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикасида терговга қадар текширув, дастлабки терговнинг қонунийлигини таъминлашга қаратилган суд назорати институтини амалга ошириш учун хуқуқий асос яратди. Хусусан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-28-моддаларида жиноят процессуал мажбурлов чораларини, яъни ҳибсга олишга, қамоқقا олишга, қамоқда сақлашга, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа масалалари суднинг қарорига асосан йўл қўйилади деган қоида мустаҳкамлаб қўйилди ва шу билан прокурор ваколатларидан чиқариб ташланди. Зоро прокуратуранинг ваколати суд ҳокимияти функцияси билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли истисно қилинади.

Жиноят процессуал қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар орасида, судгача бўлган босқичда айблок нуқтаи назарига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, айблок томонининг ҳимояга нисбатан алоҳида устуворлиги ҳеч қандай тарзда томонлар тенг деб эътироф этишга имкон бермаяпти. Жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида тегишли суд назоратининг йўқлиги ҳам қонун чиқарувчига ислоҳотлар учун асос бўлди, жумладан, тергов судъяси институтини яратиш учун асослар беради. Айнан,

хуқуқни қўллаш амалиётининг амалий тажрибаси шуни кўрсатадики, замонавий жиноят процессида айлов томон (суриштирувчи, терговчи) прокуратура вакиллари бўлиб, улар жиноят ишини қўзғатиш, рад қилиш, тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш, ишда далиллар базасини шакллантириш ва процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш ваколатига эгадирлар.

Судга мазкур назоратнинг киритилиши мамлакатда суд-хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг бошланишига ва чинакам мустақил суд ҳокимиятининг аҳамиятини янада ошириш нуқтаси бўлди.

Сўнгги бир неча йил ичида таниқли олимлар ва амалиётчилар иштирок этадиган юридик ҳамжамиятда тергов судьяси институтини Ўзбекистон жиноят процессига киритиш мумкинлиги масаласи бўйича мунозаралар давом этмоқда.

Бугунги кунда бир қатор МДҲ давлатлари жиноят процессуал қонунчилигига «тергов судьяси» ёки «суд терговчиси» институтини жорий қилиниши процессуалист олимлар доирасида дикқат марказига айланиб, кенг муҳокама қилишга сабаб бўлмоқда ва алоҳида аҳамият касб этди. Жумладан, тергов судьяси институти бир қатор хорижий давлатларнинг жиноят процессида фаол ва муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда (мисол учун, Франция, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон, Эстония, Грузия, Украина, Латвия, Литва, Нидерландия, Молдова каби мамлакатларда).

Дунёдаги ана шу ўзгаришлар жиноят процессуал доктринада жуда кескин пайдо бўлган «тергов судьяси» ёки «суд терговчиси» институтини миллий жиноят процессуал қонунчилигига жорий этиш зарурлиги ҳақидаги мунозара га сабаб бўлди, хусусан миллий хуқуқшунос олимлардан Г.Тўлаганова, Ф.Мухитдинов, Б.Мўминов, Д.Миразов, Д.Чориева, А.Юлдошбеков, Л.Югай, Б.Ш.Қобулов каби олимлар ўз асарларида таъкидлаб ўтганларини кўришимиз мумкин. Илмий ишлар мазмуни жиноят процессида «тергов судьяси» функциясини амалга оширишнинг турли жиҳатларини қамраб олади. Демак, мамлакатда суд-хуқуқ ислоҳотларини давом эттириш зарурлиги тўғрисидаги, бизнингча, анча қизиқарли тенденцияни (чуқур, кенг) тадқиқ қилишга унダメоқда. Мисол учун, «тергов судьяси» фаолиятининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари, суд назоратининг моҳияти, предмети ва шаклларини, унинг одил судлов ва прокурор назорати билан ўзаро мутаносиблигини очиб бериш мақсадга мувофиқ деб билдик. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мазкур масала тадқиқот предметига айланди.

Судья фаолиятида ва жиноий таъқиб ўртасида мутоносибликни таъминлаш бўйича Л.Югай ҳам фикр билдириб ўтган. Унинг таъкидлашича, суд томонидан қабул қилинган қарорларни холислигини таъминлаш ва жиноят ишини юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш масалаларини миллий қонунчиликда акс эттирилиши лозим. Чунки, суд

назорати институти аллақачон, ривожланган мамлакатларда жумладан, АҚШ, Германия, Италия, Испания, Австрия, Буюк Британия, Португалия, Бельгия, Голландия, Латвия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлар Конституцияси нормаларида акс этган. Шу боис, тергов ҳаракатлари ва эхтиёт чораларига рухсат берувчи маҳсус тергов судьяси лавозими жорий этиш лозим. Мазкур тамойилнинг жорий этилиши жараён иштирокчилари хукуқларининг амалга оширилишини таъминлайди, уларни мансабдор шахслар ва жиноий таъқиб қилиш функциясини бажарадиган органларнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қиласи. Суд назорати институтининг кенгайиши жиноят процессида шахс хукуқларини ҳимоя қилишнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, кўпгина ғарб давлатлари жиноят иши юритиш моделлари турли хил бўлса-да, лекин уларнинг асосий мақсади инсон ва фуқароларни хукуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишдадир. АҚШ қонунчилиги бўйича прокурор назорати ўрнатилмаган, аммо ўрнига судгача бўлган иш юритишда суд назорати институти мавжуд. Полиция ва тезкор-қидирав фаолияти яъни жиноий таъқиб қилувчи органлар устидан суд назоратни олиб боради. Суд назорати асосан, фуқароларни конституциявий хукуқларини чеклайдиган тезкор тадбирлар устидан қатъи назорат остига олади. Магистрат судига эхтиёт чорасини қўллаш масаласи бўйича тезкор вакиллари мурожаат қилганда, суд фуқаронинг конституциявий хукуқларини чеклаш билан боғлиқ масала бўлганлиги сабабли, алоҳида эътибор беради.

А.В.Смирновнинг фикрича, «судьяга бундай ваколатларнинг берилиши худди (суриштурувчи, терговчи каби) жиноий таъқиб функциясини амалга ошираётгандек дахлдорлик билан боғланиб қолмоқда. Негаки, судга Конституция ва қонунлар одил судловни амалга ошириш функцияси юклатилган, шунинг учун суд ушбу функцияни бевосита давом эттира олмайди».

«Бундай вазиятда судьяни икки маънода тушунилиши мумкин бўлган процессуал ҳолат юзага келмоқда, яъни судья тезкор суд назоратини ҳам таъминлай олмайди, биринчи инстанция судида ҳам объектив ҳакам бўла олмайди». Шунга ўхшаш фикрларни С.Адилов ҳам ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтган. Агарда, ЖПК 28-бобига диққатимизни қаратадиган бўлсак, эхтиёт чорасини қўллаш суднинг умумий юридикциясига тааллуқли бўлиб, туман ёки унга тенглаштирилган суднинг судьясига берилади ва одатда навбатчи судья кўриб чиқади. Судьянинг эхтиёт чорасини қўллашда иштирок этиши уни худди шу иш бўйича кейинги иш юритишдан четлаштириш учун асос бўлмайди. Чунки, ЖПКнинг 88-моддасида бу масала назарда тутилмаган.

Ноаниқлик, миллий ҳукуқшунос олимларида ҳам, хориж илмий оламида ҳам мунозараға сабаб бўлмоқда. Тўғри уларнинг асосий важлари муаммони ҳал қилишдан иборат. Уларнинг таъкидлашича, судья бир вақтнинг ўзида холисликни бирлаштира оладими, агар у илгари худди шу иш бўйича ҳибсга олиш учун ажрим берган бўлса? Ўзбекистоннинг кўплаб туманлари судларида бир таркиблик судлар мавжудлигини хисобга олсан, бу муаммо принципиал аҳамиятга эгадир. Бошқа томондан эса, судьянинг бошқа судьянинг фикридан мустақиллигини қандай таъминлаш мумкин, агар у ўз ҳамкасби ҳибсга олишга рухсат берган ҳамда ишни кўраётган бўлса, шу жумладан агар улар битта суд органида ишласа-чи деган фикр ўйланишга олиб келди. Иккала ҳолатда ҳам судланувчининг айби ёки айбсизлиги масаласи олдиндан белгилаб қўйилган деб тахмин қилинади, чунки ҳибсга олиш санкциясини бериш билан судья ушланган шахс ҳақида жиноят содир этган деган танловни танлаб, қарор қабул қилиб бўлган.

Ўша пайтда юзага келган вазиятни прогноз қилган А.В.Смирнов қуйидаги жиҳатига эътибор қаратган. Унинг фикрича, «судья эҳтиёт чорасини қўллашнинг дастлабки босқичлардаёқ у ёки бу тарздаги ҳар қандай хulosаси билан фақат айборлик масаласи билан чекланишига эътибор қаратади, демак бу қонун талабларидан қатъи назар, жиноий таъқибга алоқадорликка олиб келади». «Бу вазият судьяни ноаниқ процессуал ҳолатга олиб келади, чунки у на дастлабки суд назоратида, на биринчи инстанция суди назоратида объектив (холис) ҳакамлик қила олмайди». Демак, биринчидан, суд назоратини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳукукий муносабатларда тарафлар ўртасида тортишувчанлик бўлмаганлиги сабабли суд мустақил арбитр сифатида майдонга чиқа олмайди. Иккинчидан эса, бундай суд назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларда одил судлов акти мавжуд эмас, чунки унда таъқиб функцияси вужудга келмоқда.

Дарҳақиқат, юқорида кўрсатилган муаммолар суд-ҳукуқ тизимиға янги лавозим яъни, судгача бўлган иш юритишида суд назоратининг барча шаклларини амалга ошириши мумкин бўлган тергов судьяси лавозимини жорий этиш зарурлигини асослантириш ва муаммоларни илмий нуқтаи назарда ечимини топишни талаб қиласи.

И.Ф.Демидовнинг фикрича, «агар янги тергов судьяси институти жорий этиладиган бўлса, бунда у умумий юрисдикция судлари тизимидан ташкилий-функционал жиҳатдан тўлиқ ажратилиши ва одил судловни амалга ошириш ваколатидан озод қилиниши керак деган ғояни илгари суради».

Таъкидлаш жоизки, судгача бўлган даврда тортишувчанлик принципини рўёбга чиқариш учун, тергов судьясининг процессуал мақомини қонунчиликда акс эттирилиши лозимлиги ҳақида В.М.Коган собиқ иттифоқ давридаёқ айтиб ўтган. Албатта ўша даврда бу

ғоя олимлар орасида кенг эътиrozлар бўлишига сабаб бўлган. Унинг фикрича, «тергов судьяси лавозимининг жорий этилиши орқали, нафақат таъқиб органларида, яъни прокурорда, терговчидаги сурошибувида жиноятга оид маълумотларни тўплаш ва текшириш имкониятлари мавжуд бўлади, балки химоя томонида далилларни тақдим этиш, тергов судьясига ўз фикрларини билдириш, хуллас икки томонда ҳам тортишувчанлик имконияти пайдо бўлади. Бунда тергов судьясини кўрсатмалари тарафлар учун мажбурий бўлади».

Шунга ўхшаш фикрларни А.В.Смирнов ва А.И.Макаркинлар ҳам билдирган. Яъни, «тергов судьясига умумий уйғун субъект сифатида қараган, яъни у ўз фаолиятида терговчининг ҳам, судьянинг ҳам ваколатларини умумлаштирган ва мужассамлаштирган ҳолда, судгача бўлган иш юритиш устидан тезкор суд назоратини амалга оширади. Шунингдек, тергов судьяси жиноят процессида тортишувчанликни ҳамда далилларни ишончлилик нуқтаи назаридан судга киритади ва шу билан биринчи инстанция судида тарафлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг аксарият қисмини олдини олишига эришади».

Г.Тўлаганова, «замонавий юридик фани айни вақтгача жиноят судлов ишларини юритишининг оптималь шакли ҳақида, жумладан жиноят процессининг тортишув модели, маслаҳат судини жорий этиш, тергов судлари институтининг имкониятларини баҳолаш ва бошқалар етарли тадқиқ қилинмаган. Бундан ташқари, дастлабки тергов органлари устидан суд назоратини ўрнатиш (масалан, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси юзасидан судга шикоят қилиш, қамоқда сақлаш муддатини узайтириш) ҳақидаги етарли эътибор бериш лозим деб ҳисоблайди».

Мазкур позицияни қўшни давлат олимлари ҳам ёқлади. Уларнинг фикрича, «бундай шахс дастлабки тергов органлари ва прокурорнинг иш бўйича қабул қилган қарорлари устидан суд назорати функциясини холис ва мустақил равишда амалга оширишга қодир ҳамда адвокатнинг судгача бўлган процессда далилларни тақдим этиш жараёнининг тўлиқ иштирокчиси бўлишига ёрдам беради».

Тергов судьяси жиноят процессуал фаолиятнинг эркин ва мустақил субъекти сифатида тергов хусусиятига эга бўлмаган, соғ суд (юрисдикция) ваколатларига эга. Маълумки, мазкур суднинг функциялари конституциявий-хуқуқий мақоми билан мустаҳкамланиши лозим, бир томондан, инсон ва фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин, бошқа томондан эса, ягона суд органи барча хуқуқий низоларни якуний ҳал қилиш воситаси бўлиши билан боғлиқ бўлади. Тергов судьясига юкланган суд назорати функциясини жиноят процессининг асосий функцияларига ёрдамчи, яъни судгача бўлган иш юритиш бўйича суд фаолиятининг

мустақил йўналиши сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, бизнингча жиноят процессида иштирок этаётган шахсларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларини сезиларли даражада бузувчи ёки чекловчи жинойт процессуал мажбурлов чораларини кўллаш имконияти жиноят тўғрисидаги хабарни қабул қилиш рад этилган пайтдан бошлаб, суд томонидан ҳимояланиш ҳукукини амалга ошириш имконини бериши лозим.

Б.Мўминовнинг таъкидлашича, «тергов судьяси томонидан суд назоратининг амалга оширилиши, ишни судга қадар юритишида ҳақиқий тортишув муҳитини яратади, сабаби, ҳимоячининг илтимосномасини энди ишни судга қадар юритувчи органлар (таъқиб органлари) ҳал қилмайди, балки бу орқали кучлар мувозанати яратилади. Бу ўз навбатида, жиноят процессида ҳимоячининг мавқеи ошишига, унинг исботлаш жараёнида қатнашиш ҳукукини реал таъминлашга хизмат қиласди. Сабаби, далилларни топиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимосномаси рад қилинган ҳолларда, тергов судьяси унга мазкур ҳукуқидан фойдаланиш имконини кафолатлади, шу билан бирга унинг кейинчалик ишни мазмунан кўриш мажбуриятидан холос этилиши унинг ички мустақиллигини таъминлади, яъни унинг қабул қилган қарорига келгусида боғланиб қолишининг олди олинади».

Бизнинг фикримизча, жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида суд назорати имкониятларини кенгайтириш лозим, ҳозирги вақтда жиноят процессининг асосий муаммоларидан бири бўлган жиноят процессида тарафларнинг тортишувчанлик ва тенг ҳукуклилиги тамоилини ҳаётга татбиқ этиш вақти келди деб ўйламиз.

Юқоридаги фикрларни Т.Г.Моршаков ҳам кўллаб-қувватлади. Унинг таъкидлашича, «қонунга мувофиқ суриштирувчининг, терговчининг эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича илтимосномасини суд қарори асосида йўл қўйилиши барчамизга маълум. Бундай бўлса, суриштирувчининг, терговчининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги тўғрисидаги шикоятлар мустақил арбитр сифатида тергов судьяси томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, тергов судьясининг процессуал ваколатлари, тарафлар томонидан тақдим этилган далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги низоларни ҳал қилишни ўз ичига олиши керак».

А.А.Юлдошбековнинг фикрича, «тергов судьяси далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам беради, далиллар тортишув муҳитида тўпланиб, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги таъминланади, бу эса ҳақиқатни аниқлашга хизмат қиласди». Д.Чориеванинг қайд этишича, «тарафларнинг терговга қадар текширув ва дастлабки тергов босқичидаёқ тенг ҳукукий имкониятларга эга бўлиши – мазкур иш юзасидан адолатли суд хукмига эришишнинг кафолати бўлиб хизмат қиласди.» Ҳақиқатдан ҳам, юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида ҳамда жиноят процессуал қонунчилигининг асосий устувор вазифалардан келиб чиқиб, кафолатлар алоҳида мухим

ўрин тутади. Процессуал кафолатлар жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш зарурлиги нуктаи назаридан ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, жиноят иши юритишда қонунийлик принципига риоя қилишлик таъминланади.

Бу борада Н.Н.Ковтуннинг мулоҳазалари ўринлидир. Унинг фикрича, «тезкор суд назоратининг амалдаги моделида, судьянинг на мақсадига, ва на унга юкланган вазифаларга мос келмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Тергов судьяси институтининг жорий этилиши жиноят процессуал муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича янги тизимнинг зарур бўғинига айланади».

Шу ўринда, В.М.Биков ва Н.С.Мановлар юқоридаги позицияни қўллаб-куvvatlamайдилар. Аксинча, бундай институтни жорий қилишга қарши фикр билдиради. Уларнинг таъкидлашича, «таклиф этилаётган институт бўйича яхлит ишлаб чиқилган концепция ва стратегия мавжуд эмас, бундан ташқари тергов судьяси институтини жорий қилиниши гўёки терговчининг процессуал ваколатларини такрорланишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, таклиф этилаётган моделда прокурорнинг мақоми тўлиқ аниқланмаган ва бу эса, ўз навбатида жиноят процессида қўшимча қоғозбозлик ва бюроқратияга йўл очади холос». Худди шу фикрларни Ю.Н.Шеховцов ҳам айтган. Яъни, «терговчи зарур материални тайёрлаши, бўлажак суд муҳокамаси ҳақида тарафларни хабардор қилиши, конвойни ташкил этиши, таржимонлар, адвокатларнинг келиши, материални судга олиб келиши, суд мажлисини кутиши, унда иштирок этиши ва агар суд мажлиси кейинга қолдирилса, яна ҳамма нарсани қайтадан ташкил қиласи ва судга келади».

Бу фикрларга, О.В.Рябков қўйидагича ёндашади, яъни «суд назорати прокурор ёки идоравий назоратнинг ўрнини босмайди ёки такрорламайди, балки улар билан бир қаторда шахс, фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, жиноят ишига сезиларли таъсир қилган ҳолда, терговнинг тўлиқлиги, сифати ва тергов хатоларини ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради деган фикрни билдиради».

Бизнинг фикримизча, тергов судьяси суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширмайди, у жиноят иши бўйича судгача бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини амалга оширади. Назоратнинг бу турининг мазмун-моҳияти терговга қадар текширувни олиб борувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қўлланилган мажбурлов чораларини амалга оширишнинг қонунийлиги ва асослигини текшириш (фильтрлаш) билан боғлиқдир.

Қарши фикрларни А.Р.Белкин ҳам билдирган. Унинг таъкидлашича, «тергов судьялари институтининг жорий этишнинг салбий оқибатлари шундаки, дастлабки терговни амалга оширувчи шахсларнинг мустақиллиги ва автономлигини янада

йўқотилиши мумкин. Ўз фикри давомида, ҳар бир қабул қилинган қарор ёки ҳаракат учун терговчи тергов судьясига мурожаат қилиш керак бўлади, бу эса ўз навбатида жиноятларни тергов қилишнинг давомийлигининг сезиларли ортишига олиб келади».

Л.В.Головканинг қарашлари хам жуда қизиқарлидир. Унинг таъкидлашича, «агар ушбу таклифлар қабул қилинса, тергов судьяси ўзига хос «нотариус»га айланади хамда унинг вазифаси тергов давомида олинган маълумотларни тағдиқлашдан иборат бўлади».

О.А.Мядзелец «тергов судьяси институтининг жорий қилиниши кадрлар (давлат учун молиявий муаммоларни келтириб чиқаради, зеро бир таркибли судларда бу муаммо қандай ҳал этилиши мумкин?) билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкинлигини таъкидлаган».

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, тергов судьяси институтини жиноят процессуал қонунчиликка жорий этиш бўйича икки гурухга (тарафдорлар ва аксинча тарафдор бўлмаганлар) ажратишга имкон юзага келди.

Жиноят процессуал қонунчилигига тергов судьяси институтини жорий қилиш бўйича биринчи гурух - тарафдорлар қуйидаги фикрларни билдирган: 1) *суд томонидан қабул қилинган қарорларни холислигини таъминлаш ва жиноят ишини юритиш босқичида суд назоратини кучайтириши лозимлиги* (Л.Югай); 2) *мансабдор шахслар ва жиноий таъқиб қилиши функциясини бажарадиган органларнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиши зарурлиги* (Н.Г.Муратова); 3) *умумий юрисдикция судлари тизимидан ташкилий-функционал жиҳатдан тўлиқ ажратилиши ва одил судловни амалга ошириш ваколатидан озод қилиниши лозимлиги* (И.Ф.Демидов, В.М.Коган); 4) *жиноят процессида тортишувчанлик принципини амалга ошириш, судга киритиладиган далилларнинг ишончлигини ошириш ва ўзини-ўзи рад этиши масалаларининг олдини олиш* (А.В.Смирнов); 5) *терговга қадар текширув, дастлабки тергов органлари устидан суд назоратини ўрнатиш* (масалан, қамоқча олиш тарзидаги эҳтиёт чораси юзасидан судга шикоят қилиши, қамоқда сақлаш муддатини узайтириши) (Г.З. Тўлаганова); 6) *адвокат учун судгача бўлган процессда далилларни тақдим этиши имконияти юзага келиши* (С.Толесбай, Б.Мўминов); 7) *суднинг функциялари конституциявий-ҳуқуқий мақом билан мустаҳкамланиши, инсон ва фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатини таъминлаш, суд органи барча ҳуқуқий низоларни якуний ҳал қилиши воситаси* (Н.Н.Ковтун); 8) *қабул қилинган қарорларнинг асослигини таъминлаш* (Б.Мўминов); *суришигувчининг, терговчининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги тўғрисидаги шикоятлар мустақил арбитр* (Т.Г.Морщаков); 9) *далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам бериш, далилларни тортишув муҳитида тўплаш, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлигиги таъминлаш* (А.А.Юлдошбеков); 10) *тарафларнинг терговга қадар текширув ва дастлабки тергов*

босқичидаёқ тенг ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиши, адолатли суд ҳукмига эришишининг кафолати (Д.Чориева); у тезкор суд назоратида ҳам, биринчи инстанция судида ҳам объектив ҳакам бўла олмайди (С.А.Адилов);

Жиноят процессуал қонунчилигига тергов судьяси институтининг жорий қилинишига қарши бўлган иккинчи гурух вакиллари қуйидаги фикрларни билдирганлар: 1) судга Конституция ва қонунлар одил судловни амалга ошириши функцияси юклатилган, шунинг учун суд ушбу функцияни бевосита амалга ошира олмайди (А.В.Смирнов); тергов судьяси институтининг жорий этилиши жиноят процессуал муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиши бўйича янги тизимини киритиш зарур (Н.Ковунтон); таклиф этилаётган институт бўйича яхлит ишлаб чиқилган концепция ва стратегия мавжуд эмас, бундан ташқари тергов судьяси институтини жорий қилиниши гўёки терговчининг процессуал ваколатларини тақорланишига олиб келади ҳамда таклиф этилаётган моделда прокурорнинг мақоми тўлиқ аниқланмаган ва бу эса, ўз навбатида жиноят процессида қўшимча қозоғбозлик ва бюрократияга йўл очади (В.М.Биков, Н.С.Мановлар); терговчи зарур материални тайёрлаши, бўлажак суд муҳокамаси ҳақида тарафларни хабардор қилиши, конвойни ташкил этиши, таржимонлар, адвокатларнинг келиши, материални судга олиб келиши, суд мажлисини кутиши, унда иштирок этиши ва агар суд мажлиси кейинга қолдирилса, яна ҳамма нарсани қайтадан ташкил қиласди (Ю.Н.Шеховцов); тергов судьялари институтини жорий этиши дастлабки терговни амалга оширувчи шахсларнинг мустақиллиги ва автономлигини янада йўқотилишига, ҳар бир қабул қилинган қарор ёки ҳаракат учун терговчи тергов судьясига мурожсаат қилишига, бу эса ўз навбатида жиноятларни тергов қилишининг давомийлигини сезиларли ортишига (А.Р.Белкин); тергов судьяси ўзига хос «нотариус»га айланашига олиб келади (Л.В.Головка); тергов судьяси институтини жорий қилиниши кадрлар муаммолини юзага келтиради (О.А.Мядзелец).

Чиндан, у ёки бу томонлар билдирган фикрларда ўринлидир. Лекин, янги тергов судьяси институтини жорий қилиниши дастлаб давлатга катта молиявий ҳаражатларни, кадрлар билан боғлиқ муаммоларни юзага келтириши, шу билан бирга жиноят процессуал қонунчилигига унинг ҳолати билан боғлиқ муаммоларни ҳам юзага келтириши табиидир.

Бизнингча, дунёда инсон ҳаёти, соғлиғи ва шаъни-қадр қимматидан қадрли ва қимматлироқ нарса бўлмаса керак. Шу мақсадда, ҳар қандай ҳолатда ҳам, давлатга ҳоҳ молиявий, ҳуқуқий ёки бошқа ташкилий жиҳатдан сарф-харажатлар бўлишидан қатъи назар, инсонни инсон ҳаёти, соғлиғи ва шаъни-қадр қимматини муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг, давлатнинг ва унинг органларининг олий бурчидир.

Шундай қилиб, тергов судьяси суд ҳокимиятининг ажралмас қисми бўлиб, инсон ва фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш, терговга қадар текширув орган

мансадбор шахси, суриштирувчи, терговчи томонидан ноқонуний ва асоссиз қарорлар (чеклашлар) қабул қилинишининг олдини олиш субъекти сифатида фаолият юритади.

1. Тергов судьясининг асосий вазифалари қуйидаги элементларда намоён бўлади: 1) жиноят процессида қонун устуворлиги принципини таъминлаш; 2) инсон ва фуқароларни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиши, ҳурмат қилиши ва таъминлаш; 3) судгача бўлган иш юритишда тортишувчанликни, тенгликни (тортишувчанлик ва тенгликни далилларни тўплаш ва текшириши учун ҳимоячи (адвокат)нинг имкониятларидан келиб чиқиб, конституциявий ҳуқуқларини тергов судьяси орқали ҳимоя қилиши назарда тутилади) рўёбга чиқарииш; 4) самарали суд назоратини ташкил этиши; 5) ушибу функцияни жорий қилиши оқибатида судьянинг жиноий таъқиб манфаатдорлигидан воз кечиши.

2. Тергов судьясининг ваколатлари нафақат жиноят процессуал мажбурлов чораларини қўллашга рухсат бериш ва узайтириш учун асослар мавжудлиги ва қонунийлигини текширади, балки тезкор-қидирав фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов иштирокчилари ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш масалаларини, шунингдек, жиноят ишларда далилларни тақдимга этиш, тўплаш ва текшириш масалаларни ҳам қамраб олди.

ФОЙДАЛАНЕИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 16.01.2023 йилдаги ПФ-11-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 16.01.2023 йилдаги ПФ-11-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тезкор-қидирав ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 10.06.2024 йилдаги ПФ-89-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

7. Давлетов Д. Тергов судьяси. Одиллик мезони. № 7-сон, 2024. – Б. 1.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» 08.08.2005 йилдаги ПФ-3644-сон Фармони.
9. Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контролъ ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2016. Б. 93.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
11. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: –Т.: Адолат, 2005. –Б.7.
12. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.
13. Чориева Д. Тергов судьяси: у ким ва унинг ҳимоячи процессуал мақомини оширишдаги ўрни қандай? <https://kun.uz/kg/46113262. 24.04.2020>.
14. Юлдошбеков А.А. Жиноят процессида ҳимоя институтини такомиллаштириш масалалари. Магистрлик диссертация иши. – Т.: 2022.
15. Югай Л. «Суд назорати институти»: янгиланаётган Конституциядаги бу тушунча нимани англатади? <https://www.xabar.uz/mahalliy/sud-nazorati-instituti-yangilanayotgan-konstituciyadagi>.
16. Қобулов Б. Франция жиноят-процессуал қонунчилигида судга қадар иш юритувида шахс хуқуқларини чеклашнинг тартибга солиниши. Замонавий дунёда инновацион тадқиқотларю Назария ва амалиёт номли илмий, масофавий, онлайн конференция. – Б. 66-70.
17. Югай Л. «Суд назорати институти»: янгиланаётган Конституциядаги бу тушунча нимани англатади? <https://www.xabar.uz/mahalliy/sud-nazorati-instituti-yangilanayotgan-konstituciyadagi>.
18. Смирнов А.В. Модели уголовного процесса. СПб., 2000. 3-11 с.
19. Муратова Н.Г. Система судебного контроля в уголовном судопроизводстве: вопросы теории, законодательного регулирования и практики: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Екатеринбург, 2004.
20. Адилов С.А. Правовое положение следственного судьи в уголовном процессе Республики Казахстан. Дисс. ... канд. юрид. наук. Москва. 2018. С. 166.
21. Смирнов А.В. Модели уголовного процесса. СПб. 2000. - С. 52.
22. Ковтун Н.Н. О понятии и содержании термина «судебный следователь» (следственный судья) // Российский судья. – 2010. – № 5.

23. Демидов И.Ф. Судебная реформа и новые проблемы науки уголовного процесса // Вопросы укрепления законности в уголовном судопроизводстве в свете правовой реформы: матер. конф. М., 1995.
24. Коган В.М. Почему бы не быть следственному судье? // Советская юстиция. 1988. № 7.
25. Смирнов А.В. Модели уголовного процесса. СПб., 2000.
26. Тұлғанова Г.З. Жиноят процессида әхтиёт чораларининг құлланиши мұаммолари: –Т.: Адолат, 2005. –Б.7.
27. Толесбай С. Следственный судья – дополнительная гарантия справедливого правосудия. <https://cyberleninka.ru/article/n/sledstvennyy-sudya-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-respubliki-kazakhstan>
28. Ковтун Н.Н. О понятии и содержании термина «судебный следователь» (следственный судья) // Российский судья. 2010. № 5.
29. Головко Л.В. Новая роль судьи при производстве полицейского расследования в уголовном процессе постсоветских государств // Зангера. Вестник права Республики Казахстан. 2010. № 1 (102).
30. Азаров В.А., Таричко И.Ю. Функция судебного контроля в истории, теории и практике уголовного процесса России. Омск, 2004.
31. Мүминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.
32. Морщакова Т. Г. «В праве лозунги и декларации не работают» // Уголовный процесс. 2015. № 6 (126). С. 14–20.
33. Юлдошбеков А.А. Жиноят процессида ҳимоя институтини такомиллаштириш масалалари. Магистрлик диссертация иши. – Т.: 2022. – Б.: 35.
34. Чориева Д. Тергов судьяси: у ким ва унинг ҳимоячи процессуал мақомини оширишдаги ўрни қандай? <https://kun.uz/kr/46113262. 24.04.2020>.
35. Ковтун Н. Н. Следственный судья в уголовном судопроизводстве: за и против // Российская юстиция. 2010. № 9. С. 41–44.
36. Быков В. М., Манова Н. С. Нужен ли уголовному судопроизводству России следственный судья? // Законность. 2015. № 6 (968). С. 44–46.
37. Шеховцов Ю. Н. Быть ли в России следственным судьям // Прокурор. 2015. № 3. С. 29–34.
38. Рябкова О.В. Судебный контроль на стадии возбуждения уголовного дела и предварительного расследования // Автореф. дис. ... канд. юр. наук. - Екатеринбург, 2003. - С. 13.
39. Белкин А. Р. Следственный СУДЬЯ или СЛЕДСТВЕННЫЙ судья? // Уголовное судопроизводство. 2015. № 3. С. 16–27.
40. Красильников А. В. О целесообразности формирования в Российском уголовном процессе института следственных судей // Российская юстиция. 2016. № 8. С. 26–28.
41. Мядзелец О. А. Следственный судья в уголовном процессе России: за и против // Российская юстиция. 2008. № 6. С. 39–41.